

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11628268>

Усмонов Фарход Лапасович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

(PhD), доцент в.б.

usfar76@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ахборот эркинлиги жамият тараққиётининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Ҳар қандай жараёнда ҳолис ва тўғри сўзлай олиш, кенг фикрлик ва катта масъулиятни талаб қилади. Ушбу мақолада Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилиши, телевидение, радио, матбуот ва интернет журналистикани янада ривожлантирилиши масалалари муҳокама қилинди.

***Калим сўзлар:** ахборот эркинлиги, ҳаракатлар стратегияси, матбуот, сиёсий партиялар, телевидение, радио, жамоатчилик назорати, веб-сайтлар, иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари, давлат, ижтимоий гуруҳ, авторитар назария, блоггер.*

АНАЛИЗ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СВОБОДЫ ИНФОРМАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ И НАПРАВЛЕНИЯ ЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Усманов Фархад Лапасович

Ташкентский государственный экономический университет

(PhD), и.о. доцент.

usfar76@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Свобода информации является одним из важнейших аспектов развития общества. Умение говорить объективно и правдиво в любом процессе требует скорости, вдумчивости и большой ответственности. В статье рассматриваются вопросы установления общественного контроля за деятельностью органов государственной власти в Узбекистане, дальнейшего развития телевидения, радио, прессы и интернет-журналистики.

***Ключевые слова:** свобода информации, стратегия действий, пресса, политические партии, телевидение, радио, общественный контроль, веб-*

сайты, экономика, СМИ, государство, социальная группа, авторитарная теория, блогер.

ANALYSIS OF PROVIDING FREEDOM OF INFORMATION IN UZBEKISTAN AND DIRECTIONS OF ITS IMPROVEMENT

Usmonov Farkhod Lapasovich

Tashkent State University of Economics (TSEU),
(PhD) associate professor,
usfar76@gmail.com

ABSTRACT

Freedom of information is one of the most important aspects of the development of society. The ability to speak objectively and truthfully in any process requires speed, thoughtfulness, and great responsibility. The article discusses the issues of establishing public control over the activities of state authorities in Uzbekistan, the further development of television, radio, press and Internet journalism.

Keywords: *freedom of information, strategy of action, press, political parties, television, radio, public control, websites, economy, media, state, social group, authoritarian theory, blogger.*

КИРИШ

Бугунги кунда жамиятда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш демократик давлатнинг белгиловчи хусусиятидир. Демократик давлат ва жамиятда қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш учун, аҳолининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган бўлиши, халқнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, фуқароларнинг онги ривожланган бўлиши лозим.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган инсон ҳуқуқлари концепциясида, ахборот эркинлиги адолатпарварликнинг инсон шахсига хос қадр-қиммат, барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини ифода этишнинг зарурий, мажбурий элементлари сирасига киритилган. Туғма ва табиий сўз эркинлигига эга ҳар бир одам, жамият равнақи йўлида ўз инновацион ғояларини ривожлантириши ва тарғиб қилиши мумкин. Шу маънода ахборот эркинлиги – инсоннинг ички дунёси ва маънавий ҳаётининг асосини ташкил қиладиган, шахсий ҳаётига ўзининг розилигисиз ўзгаларнинг аралашшишига йўл қўйилмайдиган табиий ва ажралмас ҳуқуқидир. “Эркин, озод” жамият куриш зарурияти, табиат қонунларини рад этиш, масъулиятни назар-писанд қилмаслик асосида эмас, балки шу жамиятнинг тараққиётга олиб

чиқишида ўзимизнинг масъул эканлигимизни англаб етишимизни, ҳис қилишимизни тақозо этади” (Пармонов. 2009).

Ахборот эркинлигини мана шу тарзда тушуниш ижтимоий назорат зарурлигини ҳам эслатиб туради. Фикримизча, эркинликни англаш ва масъулиятни ҳис этиш туйғулари уйғун бўлсагина, шахснинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ҳурмат-эътибори янада юксалиб боради.

Ўзбекистонда ҳам оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда қатор ислохотлар ўтказилди. Ўнлаб йиллар давомида блокланган сайтлардан тақиқ олиб ташланди, ОАВни рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилди, сиёсий контентдаги тўғридан-тўғри трансляциялар йўлга қўйилди, баъзи журналистлар коррупция ва мажбурий меҳнат каби нозик мавзуларни ҳам кўтариб чиқишга шароит яратилмоқда, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда матбуот XX асрнинг 20-йилларидан Чор Россияси давридаги авторитар назариядан совет коммунистик матбуот назариясига ўтди. Бу назария қарийб бир аср ҳукм сурди ва унга асосланган ОАВ одамлардаги мустақил фикрлашни чегаралади. Хўш, совет тоталитар матбуот назариясидан либертариан назарияни сакраб ўтиб ижтимоий масъулият назариясига ўтиш мумкинми? Бошқача айтганда, танқидга кўникиш, янги фикрни эшитиш, агар ўринли бўлса, қабул қилиш бизда нега машаққат билан кечмоқда? Назаримизда, бу ерда жамиятнинг иқтисодий салоҳияти ҳам муҳим ўрин тутди. Оммавий ахборот воситаси биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлаши, бировнинг ёрдамига таяниб қолмаслиги даркор. Зарур маблағ, аввало, рақобатбардош корхоналарнинг маҳсулотларини реклама қилиш эвазига топиш мумкин. Бунда ривожланган Ғарб босиб ўтган йўлни ўрганишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, либертариан назария элементлари бугун ҳаётимизга кириб келганлиги кўриниб турибди. Бугунги Ўзбекистон ОАВлари ахборот бераяпти, кўнгил ёзиш учун алоҳида теле ва радио дастурлар мавжуд, ҳатто кўплаб нашрлар чоп этиляпти, ҳақиқатни топишга, ижтимоий назорат ўрнатишга ҳаракат қилинапти.

Биргина қонун чиқариш билангина иш битмаслигини, ахборот эркинлиги ҳукмрон бўладиган ҳаётга биринчи навбатда раҳбарлар ва фуқароларни сабр-тоқат билан ўргатиш, ўргатганда ҳам босқичма-босқич ўргатиб бориш талаб этилади.

Замонавий илмий қарашларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида қабул қилинган тўғри қарорлар жамият равнақига кўпроқ ва самаралироқ хизмат қилишига урғу берилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари “тасарруфида”ги ахборотдан оддий фуқаронинг воқифлиги йўлга қўйилгани сайин жамиятда ижтимоий масъулият туйғуси шаклланади, тарбия топади

(Дўстмуҳаммад.2013). Одамларнинг, ўз муаммоларини эркин муҳокама этиш ҳуқуқи чекланмаслиги даркор. Давлат эса бу ҳуқуқларни тан олиши ва ҳимоя қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир фуқарога тегишлидир. Биз қабул қилинган қонунлар муҳокамасини, тарғиботини яхши ташкил этсак, қонунга дахлдор соҳаларда ўзимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни тўғри қўлласак, ҳуқуқларимиз бузилганда ўзимизда ва атрофимиздаги кишиларда судга мурожаат қилиш ҳиссини уйғота олсак, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунни ҳимоя қилишга қўмаклашган бўламиз. Акс ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, ишламайдиган қонунлар пайдо бўлаверади. Жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқаролар ҳуқуқлари бузилишига муносабат билдириш ахборот воситаларининг бурчидир. Демак, ОАВ жамоатчилик назоратини ўрнатадиган асосий демократик институт ҳисобланади.

ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш, уларни жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирувчи кучга, ўтказилаётган ислоҳотларнинг жарчиларига айлантиришга асосий вазифа сифатида қараш зарур. Бизнингча, жамият аъзолари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиб туриш, қонунлар ижросини ОАВ орқали бериб бориш жамият ҳаётини тубдан яхшилашга олиб келади. Ҳар бир фуқаро ахборот эркинлигининг ролини теран англаши керак. Бунда жамиятнинг тайёрлиги, етуқлиги муҳимдир. Жамиятни сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан англаш ахборотнинг эркинлик даражасини юзага келтиради. Субъект ахборот эркинлигини амалга оширишда қонун томонидан ҳимоя қилинган мустақил фикрлаш, ўз фикри ва эътиқодига риоя қилиш орқали, агарда бошқаларнинг эркинликлари бузилмаса ва ўзгаларнинг манфаату қадриятлари билан ҳимояланадиган ҳуқуқларга нисбатан ҳеч қандай хавф туғдирмаса, ҳеч кимнинг аралашувисиз тарқатиш имкониятига эга бўлади. Аслини олганда, бу шахс маънавий дунёсининг дахлсиз эканлигини англатади. Бу ўринда давлат бошқа субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайдиган, ҳуқуқий ҳимояланадиган объектларга зарар етказмайдиган фикр ва ғоялар билан эркин алмашишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Адабиётлар таҳлили

Жаҳонда ахборот ва коммуникацияларнинг ривожланиши, демократик қадриятларнинг қарор топиб бориши билан ахборот эркинлиги масаласининг долзарблиги янада ошиб бормоқда. Ўзбекистонда ахборот ва эркинлик масалаларини (А.Мўминов.2013), (Х.Дўстмуҳаммад. 2013), К.Баҳриев [13] ва бошқалар ўз ишларида демократик тараққиёт учун мавжуд бўлган имкониятлар,

ахборотлашган жамият ривожланишида ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларнинг ролини очиб беришган.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистонда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг институционал-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фуқаролар ахборот эркинлигини кафолатлайдиган етакчи омил ҳисобланиб, реал демократик ислоҳотларнинг объектив кўрсаткичини намоён этипти.

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардан аҳолининг қанчалик даражада хабардорлиги янгилашиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда давлат ва жамият қурилиши тизимини янада ривожлантириш вазифалари ахборот эркинлигининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганишни, унинг назарий-амалий ечими юзасидан асосли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Таҳлил ва натижалар

Демократия жамият барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Негаки, демократия ҳукумат ва сиёсий тизимга ўз фаолиятини жамиятнинг объектив эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради (Роррег, 1963). Демократик давлатдагина инсонларнинг алоҳида ва умумий қарашларини қонун доирасида ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш имконияти юзага келади. Бу сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларини шакллантириш ва улар фаолиятида, сиёсий плюрализм, матбуот эркинлиги ва бошқа жиҳатларда ўз ифодасини топмоқда (Лазарева, 1994). Шу маънода, жамият сиёсий тизимида сайловлар натижалари ёки ҳукумат фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сўз эркинлиги ахборот эркинлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ҳукуматнинг сайловчилар олдида ҳисобот беришини таъминлайдиган демократик жараёнлар билан уйғун ҳолда, сўз эркинлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг муҳим воситаларидан бирига айланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ва давлат тузилмаларининг ахборот хизматлари ўртасидаги яқин алоқаларни ўрнатиш долзарб масалага айланди. Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилмаётганини кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислоҳотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжлари ахборот соҳасидаги ишларни

сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўз навбатида ОАВ расмий давлат ҳокимиятига таъсир кўрсата оладиган, уни танқид қилишга қодир куч бўлиши керак. Аммо ОАВ тўлиқ мустақил бўлган тақдирдагина ҳокимиятнинг ҳар қандай тармоғига ахборот таъсирини ўтказиши мумкин. Акс ҳолда жамиятни хабардор қилиш вазифаси назарий жиҳатдан қанчалик муҳим бўлмасин, сиёсий тизимда ОАВнинг эгаллаган ўрни муносиб бўлмайди. ОАВ ташкилий жиҳатдан давлат ҳокимиятидан мустақил бўлгандагина, сиёсий тизимнинг мустақил элементи сифатида ўз институтционал мавқеини таъминлай олади.

Тан олиш зарурки, ОАВ сиёсий анъаналарга мос равишда турли вазифаларни ҳам бажаради ва бу турли сиёсий манфаатлар билан белгиланади. Матбуот, радио, телевидение ва интернет-сайтлар давлат, партия, ижтимоий гуруҳ, сиёсий етакчилар манфаатларини ҳам ифода этиши мумкин.

Биз тақлиф этаётган парадигмалар бир неча тузилмаларга бўлинади.

Биринчидан, давлат ҳокимияти органларини оммавий ахборот воситаларидан ажрата билмоқ керак. Давлатнинг ва жамиятнинг ўзаро мулоқоти (диалог)ни давлат оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириш мумкин. Давлат ҳокимияти органларини танқид қилиш, журналист текширувини ўтказиш, ҳокимият томонидан сир тугилаётган ижтимоий аҳамиятга эга ахборотни эълон қилиш мустақил ОАВ вазифасига киради.

Иккинчидан, ОАВнинг тарбиявий функцияси жамиятда қарор топган маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий нормаларга риоя этишга асосланган ахборотни истеъмолчиларга етказишдан иборатдир. Шу билан бирга давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда хусусий ОАВ жамиятдаги ўрнига кўра ахборот излаш, яратиш, олиш ва тарқатишдан ташқари ташвиқот, тарғибот ҳамда реклама фаолиятини ҳам амалга оширадилар. Хусусий-тижорий ОАВлари асосан товар ва хизматлар рекламаси билан шуғулланади. Бунда ОАВлари объектив воқеликни айнан ёритиб бера олмаслиги мумкин, чунки уларнинг вазифаси (аниқроғи, таъсисчиларнинг мақсади) ушбу воқеликни ўз сиёсий ёки иқтисодий манфаатлари талаб қиладиган йўналишга солишдан иборат. Тадқиқотчи Даллас Смитнинг таъкидлаганидек, ОАВнинг асосий вазифаси истеъмолчига мафкуравий товарни сотиш эмас, балки аудиторияни шакллантириш ва реклама берувчиларга ахборот сотишдир (Кин, 1994). Иллинойс университети (АҚШ) профессори Т.Петерсон ОАВнинг эркинлиги доирасида унинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатади:

- ахборот билан таъминлаш орқали сиёсий тизимга хизмат қилиш;

- жамоат ишларини муҳокама этиш;
- оммани ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлиши учун маърифат тарқатиш;
- шахс ҳуқуқларини ҳукуматдан ҳимоя қилиш;
- сотувчи ва харидор эҳтиёжини реклама орқали боғлаган ҳолда иқтисодий тизимга хизмат қилиш;
- газетхонлар, аудитория қизиқишини таъминлаш.

Учинчидан, ҳар қандай давлатда мамлакат ҳудудий яхлитлиги, миллий хавфсизлиги ёхуд жамоат тартибини таъминлаш зарурати туфайли, ахборот эркинлиги маълум бир чекловлар ёки санкциялар билан уйғун тарзда олиб борилиши мумкин. Шу боис давлат оммавий ахборот воситалари, аввало, мамлакат қонунчилик ҳужжатларини нашр этадиган расмий матбуот органларининг бўлиши назарда тутилади. Фикримизча, оммавий ахборот воситалари давлат органи томонидан таъсис этилган бўлса, давлат бюджети маблағларидан (тўлиқ ёки қисман) молиялаштирилса, уни давлат оммавий ахборот воситаси дея аташ ҳам ўринли бўлади.

Тўртинчидан, “давлат-ОАВ-жамият” концепциясида ОАВ давлат ҳокимияти ва аҳоли ўртасида воситачи ҳисобланади. Халқ давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳақида ОАВ орқали тарқатиладиган ахборотларга ҳар доим эҳтиёж сезади. Жамоатчилик матбуот, радио ва телевидение ёрдамида хабардор бўлади ва бу унга турли сиёсий вазиятларда ўзини қандай тутиш имконини яратади. Мазкур усул доирасида ОАВ умумий манфаатни ифода этишда вакил, давлатни бошқариш учун халқ ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларда ОАВ роли ва аҳамиятини тушуниш сиёсатчиларнинг сиёсий ахлоқини ўзгартиради. Сиёсий етакчилар ОАВнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари остида яширин иш кўради. Аммо, партия етакчисининг ОАВ ёрдамида ўз суратини тарқатиши ва телевидение ёки радио орқали нотиклик маҳоратини намоёни этиши, Интернетда шуҳратпарастлик ва сиёсий сафсатабозлигини авж олдириши мумкин. Бу ерда ОАВ, телевидение, радио, Интернет нашрлар муайян сиёсий партия ва унинг етакчиси фаолиятининг барча жиҳатларини тўлиқ ва холис ёритиши керак, яъни у юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларга қарши турадиган ягона кучдир. Жамият ва шахсга бир ёқлама ахборот таъсирини ўтказиш сафсатабозларнинг салбий таъсирини янада кучайтиради. Сафсатабозлик сиёсатда омма ва шахс онгини ўзгартирадиган кучли ҳамда хавфли воситадир. Дунё сиёсати тарихидаги далиллар, хориждаги айрим партия етакчилари ОАВдан, Интернет нашрлардан ғаразли мақсадда фойдаланган ҳолда, муваффақият қозонаётганидан далолат беради.

Сиёсий партиялар матбуотининг фаолият кўрсатишига қаршилиқ кўрсатмаслик ва сиёсий плюрализм принципини амалга оширишга ёрдам беришимиз керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партиялар ўзларининг босма органларига эга ва улар орқали ўз сайловолди дастурлари, сиёсий тadbирлари ҳақида аҳолини доимий равишда хабардор қилиб келади. Аммо айрим сиёсий партияларнинг матбуот органлари тарғибот-ташвиқот вазифаларини бажармоқда, холос. Аслида уларнинг вазифаси аҳоли ўртасида ўз сиёсий дастурлари, ғоя ва шиорларини кенгроқ тарқатишдан иборатдир. Ахборот орқали фуқароларнинг сиёсий фаол бўлмаган қатлам (яъни, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмайдиган, сиёсий партияларга аъзо бўлмаганлар)га объектив таъсир ўтказиш муаммосининг ҳал этилиши мураккаб масала ҳисобланади. Фуқаролар ҳар қандай сайловда асосий электорат, ҳар қандай демократик давлатда суверенитет ва ягона ҳокимиятнинг манбаидир.

Мавжуд бешта партия газеталарининг савияси замон талабига жавоб бермайди. Партия газеталарининг умумий сони бугунги кунда 60 мингга ҳам етмаслиги ҳаётдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар бу нашрларда ўз ифодасини топмаётганидан далолат беради.

Хусусий нашрлардан мисол келтирайлик. Масалан, биз одатда “кўнгилочар нашрлар” деб биладиган “Даракчи”, “Тасвир”, “Сўғдиёна” каби газеталар нафақат енгил-елпи гапларни, шу билан бирга, муҳим ҳаётий масалаларни, айтишлиқ, коммунал хизмат, бозорлардаги нарх-наво, тиббиёт, транспорт масаласи, тadbиркорлик билан боғлиқ муаммоларни ҳам атрофлича ёритаётгани учун тиражи ошиб бормоқда. Аммо партия нашрлари бу масалаларда улар билан рақобат қила олмаяптилар.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда хусусий газета, телевидение ва радионинг фаолият юритишини фақатгина сиёсий ва ҳуқуқий меъёрлар эмас, бозор қонунлари ҳам тартибга солиб турибди. Лекин улар холис ва ишончли ахборот тарқатадими, деган саволга қониқарли жавоб олиш қийин. Бундай ОАВлари кўп ҳолларда “иқтисодий хўжайинлари” буюрадиган “муסיқани чалади”. Шу сабабдан, матбуот, радио ва телевидениенинг давлат, сиёсий партиялар, тижорат тузилмаларидан ташкилий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш демократия учун ниҳоятда муҳимдир.

Бешинчидан матбуот, радио, телевидение турли манфаатларни ифода этиши ва ҳимоя қилиши сабабли, ахборотнинг институционал кичик тизимининг мутлақо янги модели фаолият кўрсатиши зарур. Бу борада гап нодавлат ОАВ ва Интернет нашрлар тўғрисида бормоқда. Улар, аввало, сиёсий жиҳатдан бетараф, шунингдек, давлат бюджетидан ёки йирик молиявий-саноат тузилмаларидан иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши керак.

Биз асосламоқчи бўлган холис “жамоатчилик ОАВ” ахбороти ижтимоий манфаатларга хизмат кўрсатиб, реклама, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишга интилмади. У ижтимоий ҳаёт жараёнларини борича акс эттирадиган “кўзгу” ҳисобланади. Ахборот излаш, яратиш, олиш ва узатиш жамоатчилик ОАВлари вазифасига киради. “Жамоатчилик ОАВ” деганда давлат бюджети ва ёки нотижорат тузилмалар томонидан молиялаштирилмайдиган газета, журнал, радио ва телевидение, Интернет-нашрларни тушуниш керак бўлади. Жамоатчилик ОАВ мақсади – жамиятни мамлакатда ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида холис хабардор қилишдир. Таъкидлаш жоизки, бу ўринда “жамоатчилик ОАВ” атамаси ягона атама эмас.

Баъзи мамлакатларда “нотижорат телевидение”, “оммавий радио” каби ва бошқа номлар ҳам қўлланилади. Масалан, ГФРда икки жиҳатни ўз ичига олган “оммавий-ҳуқуқий ОАВ” атамасидан фойдаланилади. Биринчидан, мустақил оммавий ахборот воситаларининг жамоатчиликни холис ахборотдан хабардор қилиши, иккинчидан, махсус белгиланган қонун доирасида ОАВнинг сиёсий тизимнинг мустақил элементи сифатида фаолият кўрсатиши тушунилади. Шундай экан, “оммавий-ҳуқуқий” жамоатчилик ОАВлари демократия мақсадларига тўлиқ жавоб беради. Мазкур ҳолатда шахс онги ва ахлоқи давлатда қарор топган реал тарихий вазиятга мослашади. Холис ахборотдан хабардор этилган жамоатчилик ҳар қандай давлатнинг демократик механизмида муҳим бўғин ҳисобланади. Чунки, ҳаққоний ахборотга эга бўлмасдан туриб, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиб бўлмайди (парламентга депутатларни сайлаш, референдумда овоз бериш ва х.).

Бироқ, демократик давлатда фақат жамоатчилик ОАВлари фаолияти билан чекланиб қолмайди. Ахборотнинг жамоатчилик ОАВ шаклидаги институционал кичик тизими жамиятда “тўртинчи ҳокимият” бўлмаслиги лозим, негаки унинг фаолият кўрсатиш доираси ижтимоий турмушни холисона акс эттириш, аҳолини мамлакат ва хорижда рўй бераётган воқеалар тўғрисида хабардор қилишга қаратилган. “Жамият-ОАВ-давлат” тизимида матбуот, радио, телевидение фақат воситачи вазифасини бажаради. Улар мавжуд реал ҳолат ҳақида жамоатчиликни холисона хабардор қилишнигина ўз олдига вазифа қилиб қўйган бўлади ва уни ўзгартиришга интилмади. Бугунги кунда Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, турли касб эгалари бўлган блогерлар ҳам бу вазифани бажаришга киришган. Кўриниб турибдики, бизга “фуқаровий журналистика” элементлари ҳам кириб келган. ХХІ асрда муайян ахборотни олиш ёки узатиш вақт ва маконга боғлиқ бўлмай, вақт категорияси мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Яъни, у доимий равишда, кундан-кунга қисқариб бормоқда.

Худди шундай, “макон” тушунчаси ҳам ўз чегараларини йўқотмоқда. Сабаби эндиликда кишилар Интернет тармоғи, мобиль алоқа орқали дунёнинг турли бурчакларида туриб бир-бирлари билан алоқа ўрнатмоқда. Жаҳоннинг у ёки бу нуқтасида рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги хабар қайси маконда бўлишидан қатъий назар бутун дунёга тез ва очиқ-ойдин тарқалмоқда.

Телекоммуникация соҳасида ҳам бир талай муаммолар етарли. Биз фақат уларнинг бир жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Маълумки, бугун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам кабел телевидениеси ёки махсус антенналар воситасида Россия ва бошқа мамлакатлар телеканаллари орқали шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши, уларнинг илм-маърифатга рағбати ошиши мумкинми?

Йўқ, албатта, бу соҳадаги муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳозирги вақтда кўпчилик юртдошларимиз маҳаллий Интернет сайтларга кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Таъбир жоиз бўлса, “ижтимоий тармоқлар ва Интернет нашрларида бот-бот муҳокама қилинаётган “Газетанинг келажаги борми?” деган саволга жавоб бериш вақти етди. Унутмаслик керакки, жамиятда матбуотнинг ўрни ҳеч қачон йўқолмайди, аксинча, янги рақобат шароитида у янада тобланиб, ўзининг янги қирраларини очиб, умрбоқийлигини сақлаб қолади.

Фикримизча, босма ва интернет нашрлари бир-бирига ўзаро қарама-қарши қўйилмаслиги лозим. Аксинча, уларга бир-бирини тўлдирувчи, бойитувчи манбалар бўлиши керак. Босма оммавий ахборот воситалари ҳам айбни интернетдан изламасдан, “ахборот асри”нинг шароитларига мослашиши, ўз фаолиятида менежмент ва маркетингнинг замонавий методларини жорий этиши, энг муҳими, халқимизга керакли ва қизиқ мавзуларни профессионал тарзда ёритиши ва бунинг учун журналистларга эркин ижодий муҳитни ярата олиши зарур.

Кейинги йилларда деярли барча вилоятлардаги кўплаб даврий нашрлар таҳририятлари ўз обуначилари олдидаги мажбуриятларини бажара олмаяптилар. Газеталарнинг бир неча сонларини биргаликда “қўшма нашр” этиш, маблағ ёки хом-ашё етишмаслиги баҳонасида газеталар Низомларида қатъий белгилаб қўйилган даврийликка риоя этмаслик исътемоличилар ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, мамлакатдаги кўпгина вилоят ва туман газеталарини нашр қилиш таннархи амалдаги бозор нархларига нисбатан қимматга тушмоқда.

COVID-19 пандемиясидан кейин оммавий ахборот воситалари ҳам молиявий муаммоларга дуч келмоқда. Мажбурий обунанинг йўқотилиши газета

тахририятларининг касод бўлишга, ходимларининг ишсиз ва маошсиз қолишига олиб келмоқда. Айни шароитда улар қўллаб-қувватланмаса, хусусан солиқ имтиёзлари берилмаса, кўплаб ОАВлари ёпилиб кетиши мумкин. Муаммонинг ичига чуқурроқ кириб борилса, зарар кўриб ишлаётган ёки бозорда ўз ўрнини топа олмаётган нашрларнинг аксарият қисми, ҳокимликлар ва давлат муассасисларининг таъсисчилигидаги газеталар бўлиб қолаётгани маълум бўлади.

Бугунги кунда обуначисининг 80-90 фоизини юридик шахслар ташкил қилаётган газеталарнинг ҳақиқатан ҳам ўқувчибоплиги мутахассисларда шубҳа уйғотади. Қолаверса, “обуна” тушунчаси бир томондан журналистлар учун, иккинчи томондан ўқувчилар учун ҳам эриш туюлади. Хуллас, анъанавий “обуна мавсум”ларидан ҳақиқий матбуот (медиа) бозорига ўтилмас экан, муаммога ечим топиш йўли берклигича қолаверади.

Шу ўринда Ғарбнинг етакчи нашрлари амалда татбиқ қилаётган пуллик контент – paywall тизими ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тажриба ўзини оқлаши мумкин. Бироқ, Интернет нашрларда обунани йўлга қўйиш учун доимий, “содиқ” аудиториянинг бўлиши, ахборот ва маълумотларнинг эксклюзивлиги каби шартларни тақозо этади. Яъни, бундай кўрсаткичлар аксар ҳолларда фақат ихтисослашган, ишбилармонлик нашрларигагина хосдир. Қисқача айтганда, paywall тизими йирик ихтисослашган таҳлилий нашрлар веб-ресурслари учунгина самарали усул ҳисобланади. Лекин информацион нашрларга бу тизим ечим бўла олмайди. Ҳозирда бепул информация тақдим этувчи веб- сайтлар бор экан, кундалик нашрларнинг электрон вариантларига пуллик обуна ўзини оқламайди (Муратова, 2014).

ОАВни ривожлантириш учун янги инновацияларни жорий этиш, журналистларга йирик маошлар ва мўмай қалам ҳақи тўлаш учун катта маблағ топиш талаб этилади. Собиқ совет даврида ОАВнинг вазифаси фақат тарғиботчи-ташвиқотчи деб уқтирилган бўлса, эндиликда ОАВ нафақат тарғиботчи-ташвиқотчи, балки ахборот етказиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий кўнгилочар материаллар бериш, турли товар ва хизматларни реклама қилиш каби функцияларни ҳам бажармоқда. Ҳозирда онлайн нашрларнинг даромади биринчи навбатда рекламадан келади. Демак, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ривожланиши учун иқтисодиёт эркин бўлиши, равнақ топиши ва реклама бозори ҳам кучайиши керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Бугунги кунда Ўзбекистонда анъанавий оммавий ахборот воситалари ўрнини янги авлод масс-медиа – ижтимоий оммавий ахборот воситалари

эгалламоқда. Жаҳон тажрибаси айнан шундай оммавий ахборот воситалари фаолияти самарали эканлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги даврдаги замонавий оммавий ахборот воситаларида ахборот эркинлигининг таъминланиши билан боғлиқ салбий омиллар бор. Жумладан, масс-медиада “салбий” эркинликнинг “ижобий” эркинликдан устунлиги, ОАВнинг давлат ва жамият билан самарали мулоқот қилмаслиги, масъулият асосидаги эркинлик рефлексидаражасининг пастлиги, журналистларнинг ижод қилиш мазмунининг пасаяётганлиги шундай омиллар сирасига киради.

3. ОАВ ўз хусусиятига кўра, фуқаролик жамиятининг муҳим демократик институтларидан бирига айланиш имкониятига эгадир. Журналистиканинг ижтимоий ролини оптималлаштириш эса жамиятни соғломлаштириш учун шароит яратади. Бундан барча давлат ва жамоат тузилмалари манфаатдор бўлиб, давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштиришга эътибор қаратилган ҳолатдагина бунга эришиш мумкин. ОАВ фуқароларга ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқини амалга ошириши орқали жамиятни демократик бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминласа ўзининг муҳим вазифаларидан бирини бажаради. ОАВдаги ижодий муҳит соғломлаштирилсагина, фуқаролик жамияти тузилмасига киритишга эҳтиёж сезилади.

4. Давлатнинг самарали ахборот сиёсатини шакллантириш учун жамият ва журналистикада жавобгарлик ҳамда мақсадга интилувчанлик асосида ахборот эркинлигини янгилаш тушунишни шакллантириш ва қарор топтириш зарур.

REFERENCES

1. Пармонов, С. (2019). Эркинлик маданиятининг фалсафий муаммолари. Фалсафа ва ҳуқуқ. 1-сон. 27-бет.
2. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозоба, фалсафа. Т.: “Янги аср авлоди” НММ, 2013. -12-бет.
3. Сайид Х. Талаба-журналистга мактублар. – Т.: “Sano-Standart”, 2016. 68-бет.
4. Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. Т.: “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2013. 12-бет.
5. Дўстмуҳаммад Х. “Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий методологик таҳлил” (Монография) – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
6. Баҳриев К. Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти.-Т.: “Фан” нашриёти, 2000.
7. Popper, Karl Raimund. The open society and its cnemics. Princeton, N.,J., 1963.

8. “Общая теория государства и права”. Учебник под ред. В. В. Лазарева М., 1994.
9. Кин Джон. Средства массовой информации и демократия. – М.: Прогресс.1994. С.83.
10. Муратова Н. ОАВ тараққиётининг янги тенденциялари: конвергент медиа // Ўзбекистон матбуоти. 2014 йил 3-сон. 57-бет.
11. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.
12. Saifnazarov, I. (2022). So‘z erkinligi - Yangi O‘zbekiston tayanchi. “Falsafaning dolzarb muammolari” mavzuidagi Res. ilmiy-amaliy konferensiya materiallari, Guliston. 129-133 betlar.